

## МАМЛАКАТИМИЗДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Кадиров Лутфулло Халимович**

*Қарши давлат университети Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси*

### **ARTICLE INFO.**

#### **Ключевые слова:**

Туризм, виза, визасиз режим, сайдхлар, инфраструктура, гидлик фаолияти, хорижий давлатлар, қонун ва қонуности хужжатлар.

### **Аннотация**

Мазкур мақолада туризмнинг иқтисодий ривожланишдаги аҳамияти, мамлакатимида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилган. Ривожланган хорижий давлатларнинг хукукий қиёсий таҳлиллари ҳамда илғор тажрибаси асосида юртимизда туризмни ривожлантириш бўйича таклифлар келтирилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасига мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Ушбу соҳани бошқариш учун дастлаб “Ўзбектуризм” Миллий компанияси тузилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрда имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига<sup>1</sup> биноан Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси ташкил қилинди. Бундан асосий мақсад, фармонда эътироф этилишича “Мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-хуқукий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш, туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантиришдан иборат”, деб белгилаб қўйилди.

**Методология.** Ушбу мақолада анкета-сўровнома, эксперт баҳолаш ва танлама кузатиш усусларидан кенг фойдаланилди.

**Натижалар:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрда имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида туризм соҳасини ривожлантириш давлат сиёсатининг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрда имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли Фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 49-сон, 558-модда

устувор вазифаси сифатида эътироф этилиши билан бирга, унинг асосий йўналишлари ҳам белгилаб берилди. Бунинг учун ўрта муддатга мўлжалланган истиқболдаги вазифалар ва устувор йўналишлар ҳам аниқ кўрсатиб ўтилди. Бу йўналишларга қуйидагилар киртилди:

- ✓ туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантириш ва изчил амалга ошириш;
- ✓ туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш;
- ✓ соҳани барча ҳудудларни ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равища жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификациялаш;
- ✓ иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг қудратли воситасига айлантириш;
- ✓ яратиладиган ялпи ички маҳсулотда, маҳаллий бюджет даромадларида туризмнинг улушини кўпайтириш;
- ✓ иш билан бандликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифа\*-тини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш кабилар.

Айни пайтда туризм соҳасини жадал ривожлантириш, туризм индустряси субъектлари фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш учун энг аввало, уларга қулай шарт-шароитларни шакллантириш ва уларнинг тараққиётини таъминлайдиган ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш лозим бўлади. Бунинг учун биринчи галда соҳага йўналтирилган туризм фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини ва норматив-хуқуқий базани янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимизда туризмнинг ривожланишидаги барча тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, виза ва рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларини, паспорт ва божхона назоратини соддалаштириш чораларини кўриш ҳам кечикириб бўлмайдиган ташкилий механизмлардандандир.

**Таҳлиллар:** Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ 5611 сонли қарорида “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Консепсияси”га мувофиқ Европа ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан товар айланмаси, ташиладиган йўловчилар сони ва инвестицияларни кўпайтириш учун республикадаги транспорт алоқа тизимини тубдан яхшилаш мақсадида хорижий алоқаларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди.

Республикамизда туризмни ривожлантириш жуда катта иқтисодий самара бериши ҳаммамизга аён, чунки у хорижга ресурс чиқармай (пахта, газ, нефть) валюта олиб кириш имконини беради. Таҳлиллар шундан далолат берадики, кўпгина ривожланган мамлакатларда туризмдан келадиган даромад бошқа соҳаларга қараганда анча кўпроқ валюта тушумларини келтиради. Масалан: Туркия йилига 4-5 млрд. долларлик товар экспорт қилса, туризм фаолиятидан 10 млрд. доллардан ортиқ даромад олади. Австрия, Англия, Италия, Франция, Испанияларда ҳам худди шундай юқори кўрсаткичларни кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда ҳам туризмни ривожлантириш борасида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг минтақавий тузилмалари штат бирликларининг оширилгани, ҳудудларда туризм департаментлари ва бошқармалари, ҳоким ўринbosарлари лавозимлари ташкил этилгани мазкур ташкилотларнинг имкониятларини кенгайтирда катта рол ўйнамоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни 2019 йил 18 июлда қабул қилинган, унда соҳанинг ҳозирги ривожланиш босқичидан келиб чиқсан ҳолда янги тушунчалар

киритилди, туризм бўйича давлат сиёсатининг принциплари ва асосий йўналишлари белгиланди. Шунингдек, туристик фаолият субъектлари тоифаларга ажратилди. 47 та давлат фуқаролари учун виза режими бекор қилинди ҳамда визасиз режимга эга мамлакатлар сони 86 тага етди. Бундан ташкари виза жараёнларини соддалаштириш мақсадида электрон виза олиш имкониятига эга мамлакатлар сони 57 ни ташкил этди.

Ҳозирги кунга келиб, туризм соҳасини давлат томонидан бошқариш билан бирга, соҳани бозорга хос тарзда тартибга солиш механизмини мақбуллаштириш масаласи ҳам муҳим устувор йўналишлардан бирига айланди. Бунинг учун туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш ва туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш масаласи ҳам муҳим йўналишлар сифатида белгиланмоқда.

Туризм соҳасининг мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги ўрнини тўғри баҳолаш учун ушбу соҳада статистик ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш масаласи ҳам ўта долзарбdir. Чунки, жуда кўп туристлар туристик махсулотларга тўланган маблағлари билан бирга, мамлакатимизда ўз ихтиёри билан кўплаб товарлар ва хизматларни харид қилишлари мумкин. Аммо улар бирорта ҳисобатда акс эттирилмайди, чунки ҳисобга ҳам олинмайди. Шу туфайли статистик ҳисботни такомиллаштириш масаласи ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган энг муҳим ташкилий механизмларни такомиллаштиришга қаратилган вазифалардан биридир.

Туризм соҳасидаги асосий муҳим масалалардан яна бири, туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқdir. Бунда асосий эътиборни туризм хизматларини ташкил этишда, энг аввало, туристлар жойлаштириладиган жойларда, меҳмонхоналарда, уларни овқатлантириш пунктларида хавфсизликни таъминлашга қаратмоқ лозим. Ушбу жараёнда овқатларнинг сифатига ҳам катта эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Туристларнинг Республика ҳудуди бўйлаб ҳаракатланишида, туризм обьектларига ташрифларни уюштиришда ҳам мазкур масалага алоҳида аҳамият берилишини талаб қилаи. Хуллас, туристлар ва экскурсантларнинг ҳаёти ва соғлигининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш бугунги кундаги ташкилий механизмларни такомиллаштиришга қўйилган талабларнинг устувор йўналишларидан биридир.

Замон талабидан келиб чиқсан ҳолда мамлакатимизда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш масаласи ҳам устувор вазифалардан биридир. Бунинг учун анъанавий, маданий-тарихий туризм билан биргалиқда туризмнинг бошқа салоҳиятли турларини ҳам ривожлантиришни тақозо қиласди. Бизнинг мамлакатимизда зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик туризми ва бошқа турларини жадал ривожлантириш имкониятлари ҳам етарли. Эндиликда ушбу салоҳиятдан самарали фойдаланиш масаласи кун тартибида турган муҳим масалалар сирасига киради.

Мамлакатда аҳолининг ёши ва бошқа қатлами бўйича болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмини, оиласији туризмни, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш ҳам долзарб масалалардан биридир. Фармонда таъкидланишича ушбу йўллар билан “туризмнинг ижтимоий аҳамиятини кучайтириш, худудларда янги туризм йўналишларини ташкил этиш, уларни паспортлаштириш, туризм йўналишлари ва туризм обьектлари бўйича ягона миллий реестрларни шакллантиришга йўналтирилган ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва худудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш”<sup>2</sup> лозимлигига ҳам алоҳида аҳамият берилган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрда имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли Фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 49-сон, 558-модда, 2017 й., 1-сон, 3-модда.

Туризмнинг асосий хусусиятларидан бири шундаки, у ички туризм билан бирга халқаро туризмни ҳам ривожлантиришни тақозо қиласди. Бу эса ўз навбатида, туризм соҳасида халқаро ҳамкорликни, биринчи навбатда, БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО), хорижий мамлакатларнинг туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни талаб қиласди. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир туристик ташкилот минтақавий ва жаҳон бозорларининг фаол иштирокчилари билан ҳамкорликни кенгайтиришга ҳаракат қилмоғи лозим. Бу эса, соҳада банд бўлган кадрларнинг илмий, амалий кўниумаси ва катта хаётий тажрибани талаб қиласди. Бугунги кунда, Ўзбекистоннинг туризм соҳасида тартибга солувчи универсал халқаро конвенциялар ва битимлардаги иштирокини таъминлаш, туризм фаолияти амалиётига халқаро ва давлатлараро стандартлар ва нормаларни жорий этишга ҳам эришиш лозим бўлади. Ушбу вазифаларни янгидан ташкил қилинган Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасидан тортиб, ҳар бир туристик ташкилотгача бўлган пағонада бажариши мақсадга мувофиқ.

Ушбу соҳани ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири мамлакатимизнинг барча минтақаларида замонавий жаҳон стандартларига, туристларнинг эҳтиёжлари ва талабларига жавоб берадиган туризм индустряси обьектларини барпо этишдан иборатdir. Туризм индустряси обьектларига меҳмонхоналар ва жойлаштиришнинг шу каби воситалари, умумий овқатланиш обьектлари, транспорт-логистика тузилмалари, ахборот марказлари, маданият ва спорт муассасалари киради. Уларни ҳам жадал ривожлантиришни ва бунинг учун хорижий инвесторларни кенг жалб этишни тақозо қиласди. Туризм йўналишлари бўйича йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини, йўлбўйи инфратузилмасини жадал куриш ва реконструкция қилиш, ушбу мақсадлар учун ҳам хорижий ҳамкорларни топиш масалани анча тезлаштириш имконини беради. Шу туфайли туризмни ривожлантириш бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш баробарида, хорижий инвесторларни ҳам жалб қилиш чораларини кўриш лозим бўлмоқда. Бундай ташкилий-иктисодий механизмлардан самарали фойдаланиш ва уларни муттасил такомиллаштириб боришга эришиш ҳам соҳанинг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

**Хулоса сифатида**, ўрганилган тажриба, эгалланган назарий билимлар ҳамда бир қатор меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш натижасида ишлаб чиқилган қўйидаги тавсияларни келтириб ўтамиз:

1. Мамлакатимизда маҳаллий туризмни ривожлантириш мақсадида мамлакат худудида ҳаракатланувчи сайёҳларнинг ҳаракатланиш тартиби, уларга яратиб бериладиган шароитлар ва имтиёзлар бўйича алоҳида ҳужжат ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
2. Туризм соҳасида фаолият юритувчи гидлар малакасини ошириш, уларнинг кўниумма ва билимларини баҳолаш бўйича маҳсус дастурий тизим яратиш, бунда гидларни имтиҳонлардан ўtkазиш ва малакасини ошириш ишларида инсон омили иштирокини имкони борича чеклашга қаратилган алоҳида лойиҳа ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
3. Туристик ташкилотлар томонидан хорижий валюталарнинг Ўзбекистонга киритилишини янада рағбатлантириш максадида, уларга солик имтиёзлари бериш, яъни уларнинг хорижий валютадаги даромадларининг маълум қисмини солиқлардан озод қилиш. Бу нарса тадбиркорларнинг соҳага янада кўпроқ инвестиция ажратишига олиб келади.
4. Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш учун секторлараро муносабатларни тартибга солувчи ва ривожлантирувчи меъёрий хуқуқий ҳужжатларни яратиш. Бунда соҳа ривожида нодавлат секторнинг иштирокини кенгайтириш масалаларининг ҳуқуқий асосларини яратиш;
5. Туризм соҳасига ажратилаётган сармоялар ҳажмини янада кенгайтириш ва мазкур фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорларга кредит имкониятларини кенгайтириш мақсадида

“Туризм тараққиёт банки”ни ташкил этиш;

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш ва давлат томонидан хукукий тартибга солиш борасида катта ютуқларга эришилди. Мазкур соҳани ривожлантириш мақсадида тадбиркорларга жуда катта имтиёз ва имкониятлар яратиб берилганлиги соҳа ривожининг асосий омили бўлди. Шу билан бир қаторда баъзи бир камчилик ва фойдаланилмаётган имкониятлар борки, уларни бартараф этиш ва бу йўлда ривожланган хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларидан самарали фойдаланиш мухим аҳамият касб этади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ruziev, Z. I., Kadirov, L. K., Ostonova, M. E., Baratov, B. S., & Ortiq, S. (2020). The role of income tax individuals in replenishing state budget revenues. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(7 Special Issue), 2033-2037.
2. Гануш, Г. И., Кадиров, Л., Касимов, Ж., Мырзалиев, Б. С., Турсунов, И. Э., Узаков, Н., & Шеденов, У. К. (2016). Глава 18. Постсоветское пространство: сильны ли рыночные позиции. In Феномен рыночного хозяйства: от истоков до наших дней (pp. 327-355).
3. Kholliyev, S. (2022). Cultivated crops wild the importance of ancestors as a genetic resource and the need for their effective use. *Asian Journal of Research in Business Economics and Management*, 12(3), 16-18.